

## “ҚҮГИРЧОҚЛИ АНИМАЦИЯ ОЛАМИ”

<https://doi.org/10.5281/zenodo.12198425>

**Мухамедов Азизбек Анварович**

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, “Овоз режиссёrlиги ва операторлик маҳорати” кафедраси катта ўқитувчisi  
e-mail: azizbekacg@gmail.com

### Аннотация

Уибу илмий мақолада Владислав старевич ижоди мисолида қўғирчоқли анимация тарихи, ҳамда режиссёр Дамир Салимовнинг “Ўзбекфильм” киностудиясида суратга олинган “Сехри сандик” анимацион фильмни яратилиши тарихи кўрсатилган. Мазкур мақолада уибу студиянинг ilk анимацион фильмларини яратган ижодий гурӯх олдида турган бадиий ва ташкилий масалалар кўриб чиқилган.

### Калит сўзлар

санъат, кино, анимация, режиссура, бадиийлик, маҳорат, рассом, монтаж, оператор, мультипликация, актёр, композиция.

**Мухамедов Азизбек Анварович,**

Старший преподаватель кафедры “Звукорежиссуры и операторского мастерства” Государственного института искусств и культуры Узбекистана

e-mail: azizbekacg@gmail.com

### Аннотация

В данной научной статье представлена история кукольной анимации на примере творчества Владислава Старевича, а так же история создания кукольного анимационного фильма «Волшебный сундук» режиссёра Дамира Салимова на киностудии «Узбекфильм». Кроме этого рассмотрены творческие и организационные вопросы, стоявшие перед творческим коллективом первых анимационных проектов этой студии.

**Ключевые слова:** искусство, кино, анимация, режиссура, артистизм, мастерство, художник, монтаж, оператор, мультипликация, актер, композиция.

**Mukhamedov Azizbek Anvarovich,**  
*Senior Lecturer of department*  
*"Sound direction and cameraman skill"*  
*of Uzbekistan State Institute of Arts and Culture*  
*e-mail: azizbekacg@gmail.com*

### **Abstract**

*This scientific article presents the history of stopmotion animation on the example of the work of Vladislav Starevich, as well as the history of the creation of stopmotion animation film "Magic chest" directed by Damir Salimov at the studio "Uzbekfilm". In addition, the creative and organizational issues faced by the creative team of the first animation projects of this studio were considered..*

### **Keywords**

*art, cinema, animation, directing, artistry, skill, artist, editing, cameraman, animation, actor, composition.*

Мультиликация олами жуда бой ва рангбарангдир. Шунингдек бу санъат тури, бошқа санъат турлари сингари ўз ичига турли услубларни олган. Бундай услублардан бири замонавий 3d услубнинг ибтидоси ва асоси бўлмиш қўғирчоқли анимация услубидир. Бундай услугуб **кадрма-кадр** суратга олиш услуби хам дейилади ва у анимациянинг қадимий классик турига мансуб.



Қўғирчоқли анимациянинг ilk намунаси бу русс режиссрлари Александр Ширяев ва Владислав Старевичнинг 1906-1912йилда ишлаб чиқарилган мультфильмлардир. Хашоратлар дунёсидағи инсоний кечирмалар хақидаги "Мўйловдорлар" ва Шохдорлар уруши мультиликацион фильмни 1912йилда ишлаб чиқарилган бўлиб у ўз замонасининг инновацияси хисобланган.

Владислав Старевич анимация дунёсига янгилик киритади. Яъни қўғирчоқларни харакатлантирган холда анимациянинг янги ноёб ва бетакор қиррасини кашф қиласди.



Буюк санъаткор Владислав Старевичнинг бу кашвиёти тасаввур

қилаолмайдиган тезлиқда бутун оламга кенг тарқалади.

Америка, Европа ва бошқа кино санъати ривожланган давлатлар анимациянинг бу турини бадий фильмларга қўллай бошлашади. Натижада қўғирчоқли анимация кино оламига янги жанр фентэзи, яъни эртак ва фантастикани олиб киради. Бундай мисолларга оқ қора тасмага суратга олинган Голливуднинг эски фильмларидан бўлмиш динозаврлар олами хақидаги “Йўқолган олам” ва “Синбаднинг саргузаштлари” фильмларини киритсак бўлади.

Ўзбекистондаги илк мультиликацион фильmlар студияси 1966 йилда Тошкент шахридаги, Комил Ёрматов номли “Ўзбекфильм” киностудияси қошида барпо этилган.

Ўша даврдаги таникли режиссёрлардан бири, кўплаб машхур кинофильмларни суратга олган истедодли Дамир Исмаилович Салимов ва “Ўзбекфильм” киностудиясидаги дурадгорлик устахонасида қўп йиллардан бери кинофильмлар учун турли хажмдаги безакчилик ишларини амалга ошириб келган Самуил Львович Страшнов ўзбекистоннинг барча болалари учун “Ўзбекфильм” киностудияси қошида ўзбек мультиликацион фильmlарни ишлаб чиқариш фикир келади.

Бу фикр раҳбариятга манзур бўлади ва шу йили илк ўзбек мультиликацион фильмси суратга олинади. 1966 йилда суратга олинган ўзбек мультфильмининг номи “Квадрат 6x6” бўлиб бу фильм қўғирчоқли услугда яратилган. Фильм мазмуни табиат оламидаги муаммоларни қўтариб, инсон учун табиатнинг арзимас кичик бир худудини ифлослантириш хашоратлар оламида қанчадан қанча улкан муаммоларни юзага келтиргани хақидадир. Бу мультфильм илмий фантастик жанрга мансуб бўлиб барча ёшдаги томошабинга манзур бўлган.



Дамир Салимов.



1967 йилда Дамир Салимов ўзбек халқ әртаги мавзусига ёндашган холда “Зумрад ва Қиммат” әртаги асосида “Сехрли сандиқ” мультфильмини яратади. Бу фильмнинг “Квадрат 6х6” га нисбатан фарқи шундаки, Дамир Салимов уни суратга олиш учун малакали рассомлар, оператор, чироқ устаси ва актёрлардан иборат кучли жамоа тұплаган.

Рассомнинг иши анча мукул бўлган сабаби мульт қахрамонлар образи ҳам миллий, ҳам замонавий стилистикада, ҳам мультфильмга хос бўрттирма услугда бўлиши керак эди. Мультфильмнинг вақт хажми қисқа бўлганлиги сабабли барча қахрамонларнинг образлари хоҳ ижобий, хоҳ салбий бўлсин, тамошабин бир қарашида англаши керак, устига устак улар кичик ёшда. Бундай аудиторияга тушунтириб ўтиришга вақт йўқ, сабаби болалар сал зериктирган нарсадан бир зумда воз кечадилар.

Рассом Юрий Петроволдида катта машаққатли иш туради. Ижодкор бу вазифани амалга ошириш мақсадида безак ва қўғирчоқлар утсаси Сергей Страшнов билан биргаликда дурадгорлик цехида умумлаштирилган қўғирчоқлар макетини яратишади ва Дамир Салимов билан бу макетларни мухокама қилишади. Аввалига Дамир Салимов бу образларни қатъяян рад қиласди, Сабаби шуки бўялмаган рангсиз қўғирчоқлар макети носқовоқдан фарқ қилмасди. Лекин Фильмнинг оператори Илья Гавриленко маслахатига қўра аниматорлар ёрдамида тест съёмка амалга оширилади. Съёмка натижалар бугунги кундан анча фарқли бўлга у даврда, чунки суратга олинган метражли тасмалар кам, ёки кўп бўладими проявка учун “Мосфильм” киностудиясининг фотолабараториясига жўнатилган. Бу эса кутмоқ дегани. Негативдан, позитивга айлантирилган тасма Лабараториядан қайтгач суратга олиш гурухи зудлик билар материални кўздан кечирадилар. Режиссёр мамнуният билан Рассом ва қўғирчоқлар устасига ижобий фикр билдиради ва Дамир Салимов қахрамонларни бадий кенгашга тақдим этишга рози бўлади.

Фильмнинг сюжети сехрли драмма ертаги жанрида классик режиссура орқали ишлаган. Эртак Зумраднинг кундалик хаётидан бошланади. Тонг сахардан меҳнаткаш Зумрад уйини супиради овқат қиласди. Отаси ўрмондан ўтин олиб келади. Ўгай онаси ва Қимматнинг холати умуман бошқача. Қиммат овқат еб, пардоз андоз қилиб айвондан тушмайди. Онаси эса унга парвона. Хар бир қиласдан қизининг хархашасига Зумрадни ўн баравар жазолайди. Фильмнинг конфликт холати ва тугуни ана ўша ўгай қариндошлик ва ўзгани қабул қилмасликустида қурилган. Бубутун фильм

давомида қузатилади. Ўгай она Зумрадни хайдаши учун қизи билан фитна ўюштриши ва Зумрад отаси билан уйидан кетиб, сехргар Онахон уйига келиб қолиши воқеани аптилистик таскин тусда олиб боради. Зумрад ўгай қариндошлари билан ярашиш учун, уйига совға саломлар билан қайтиши, фильмнинг кульминациясси. Ўгай онаси ва опасининг ўйлагани акси бўлиб, ниятига етаолмаслиги, жахлдор табияти ва худбин нафсини жиловлай олмаслиги оқибатида очкӯзлик балосига йўликиши, ўз ўзидан уларнинг ўзгармас салбий қиёфаси тамошабиннинг фикрини тасдиқлайди. Фильм хотимаси “қилмиш кидирмиш” маколига асосланган бўлиб золим қариндошлар рамзий манода *сехрли сандиқ* орқали узоқ узокларга олиб кетилади. Зумрад ва унинг меҳрибон отаси еса баҳтли хаёт кечирадилар.

Фильм қаҳрамонлари содда кўринишга эга бўлишига қарамай, уларда образга мансуб барча жихатлар бужассам. Сабаби Юрий Петров ва Сергей Страшнов уларга айрим техник топилмалар киритишган эдилар.

*Зумраднинг отаси* образида кекса соч соқоли оқарган, оғир меҳнатда умри ўтиб ёши бир ёққа бориб қолган қария кўринади. Раззоқ Хамраевнинг сабрли хўрсинишларию, қизи билан гаплашганда меҳрибонлик билан

овозини паст охангдаота образини янада кучлироқ бўрттирган.

*Зумраднинг ўгай онаси*образида аксинча меҳрсиз ва ношукур аёлнинг барча қирралари мавжуд. Бу қаҳрамоннинг юз тузилишининг мимиқасидаги кичкина кўзларию, жахлдан уйилган қошлари меҳрсиз ўгай онанинг классик кўринишидир. Ундан ташқари оғзининг мейёридан ортиқ катталиги ва майдада оралари очиқ хаскаш сингари тишларининг кўриниши бу қаҳрамонга нисбатан томошабинда албатта салбий фикир уйғотади. Фильм давомида бу образнинг мимиқаси ўгай қизига мурожат қилганда хатти харакатлари агрессив тарзда тезколиги,

қўллари билан уқтирганида жестикуляция хар бир интонацияга урғу берган холда аниматор тарафдан жуда мураккаб ва хаётий йжро этилган. Зайнаб



**Sehrli sandiq**

Садриева овози,характери жихатдан уйғунлашган холдабу салбий образгаянада күпроқ таъсир ўтқазган, уни бўрттирган. Қўполлигини янада қўполпроқ, жаҳлдорлигини янада жаҳллироқ кўрсатган. Бу образ оддий жанжалкаш қўпол образ эмас, балки паст охангда ҳам юракка қўрқув ва саросима соладиган айёр, ишни ўз фойдасига хал қиласидиган аёл образидир.

*Қиммат* образи инжиқ ва дангаса қиёфада гавдаланади. Жуссаси қизларнинг қоматидан кескин фарқ қиласиди.

Зумрад қошигаўсма қўйганидаги қилаётган қўпол ва тажоввускор хатти характерати, салбийхарактеригамос равишда ишланган. Зумрат хақидаги тухматларни онасига сўзлаётган пайтда нўхотдай қўзлари косасидан чиқишилари фильмдаги яхши рассомлик топилма. Бурни тугмачадай бўлиши, пешанаси кичиклиги акли заифлигига, оғзи нисбатан катталиги еб тўймас очофат қиёфадаги қарама-каршиликни ва салбий характерни ифодалайди. Тинч осуда хаёт тинчлигини доим Қимматнинг хархашақилган баланд овози бузади. Арзимас сабаблар билан хасадгўй Қиммат ўгай синглисини хар гал тухмат ўтида куйдиришга уринади. Онасига айтганини қилдиришга, хоҳлаганини олишга ўрганган. Зумрат бойликларини қўриб аслида бу унинг меҳнати ва меҳрибонлиги сабабли олинган мукофот еканлигини тушунмай, очкўзлиги ва калтафаҳмлиги сабали қоронғу ўрмонга боришига тайёр. Ва натижада ақлсизлиги ва жоҳллиги сабабли онаси билан жазо топган.

Зумрад эса буни айнан тескариси. Рассом Юрий Петров Зумраднинг қўринишида ўзбек қизларининг мумтоз адабиётдаги классик ташқи қиёфасини акс еттирган. Катта оху қўзлари гўзаллигининг биринчи кўрсаткичи. Қошлири камон. Сочлари шаршара каби майдада толалардан ўрилган. Оғзини лола қизғалдоқ сингари қичкина ва ихчам юзга жойлаштирган. Актриса овозини паст охангда мунили ва хиссиётга берилган холда овозлаштирган. Шу услуб орқали актриса образнинг аклии ва меҳрибон жихатларини ёритган. Зумрад кийик боласини топиб унга ёрдам бериш сахнаси, ёки боғдаги қушлар билан гаплашиш кадрларида Зумраднинг дарди борлигини кўрсатади. У бу дардини ўз отасидан яшириб хайвону қушлар билан гаплашиш орқали қўнглини юмшатади. Оғир мухитда, ўгай онаси тазиқи ва опасининг тухматларидан бир зум ҳам уйда қолишини истамас, лекин кекса отасини холини ўйлаб дардини ичига ютиб барчасига чидаган меҳрибон ва кучли қиз образидир- Зумрад. Дамир Салимов сценарийни ёзганида уни имкон қадар меҳрибон ва меҳнаткаш қилиб кўрсатишга характер қиласиди, ва кўп сахналарга жонивор ва кексаларга ғамхўрлиги орқали буни уддасидан чиқади.

*Кекса сехргар аёл* образи бу фильмдаги замонавийлаштириш контрапунктидир. Сабаби бу аёл очки таққан. Күзлари тұлық очилмаган холда сұзлашади, худди құзлари яхши күраолмайдиган замонавий пенсионер аёлдек. Хеч нарсага мухто ж әмас, аммо ёлғыз яшашы инсоннинг рахмини келтиради. Аниматор бу персонажни харакатлантирганида паузаларга нихоятда күп этибор берган. Чунки бу персонаж характерида донолик мавжуд. Зумрадга мурожат қылганида шошилмасдан, очик чехра билан, илик ва меҳр билан гаплашади. Худди Зумраднинг оғир хаётидан хабардор бўлгандаи. Қиммат билан аввалига оддий лекин уни яқиндан билгач қаттиқ қўл бўлмасада, лекин унга нисбатан мулозамат ҳам қилмайди. Халқимизнинг машхур аактисаларидан бўлган Яйра Абдуллаева бу образни овозлаштиришда бор маҳоратини ишга солиб кекса аёлни фариштага айлантирган.

*Оператор* Илья Гавриленко фильмни суратга олиш жараенида классик услугда, умумий панorama ундан камерани қаҳрамонлар сахнасига яқинлаштирган холатда микшер орқали йирик планларга ўтишни охиста ва профессионал даражада бажарган. Сабаби ўша даврда қўғирчоқли анимацияда барчаси тасмага кадрма-кадр суратга олинган ва материални шу захоти қайта-қўриш имкони бўлмаган. Шунинг учун оператор чироқ устаси билан биргаликда етти улчаб, бир кес холатида, кадрда чироқ силжиб соялар сакраб қолмаслиги, *брәк* бўлмаслиги учун нихоятда эҳтиёткорлик билан ишлашган. Неча кадрда қуёш кўтарилиши, неча кадрда умумий панорамада камера тепадан пастки планга ўтиши хисоб китобини қилган. Ва натижада тинник кадрга эришган.

*Бастакор* Равиль Вильданов фильм учун яратганмиллий *мусиқа* қаҳрамонлар образларнинг ўзига хослигини кўрсатади ва тамошабинни умумий бир холатда ушлаб туради. Зумрад иштирокидаги сахналарда майин баланд пардаларда, сокин охангда най ижросида чўзилган легатоуслубида, ўгай она ва қизи сахналарида эса паст пардада, оғир фагот ва шунга ўхшаш чалғу асбоблар орқали қисқа қисқа ва оғир характерига монан акцентлаштирган. Ундан ташқари атроф мухитни акс эттирадиган миллий мусиқа фильма янада кўпроқ жозиба берган. Айниқса сехр ва хатарли холатлар бастаклрнинг профессионал академик даражасини кўрсатади.

*Овозлаштириши оператори.* Предтеченская хар бир характерларни синхрон равишда, киноматериалга қараб, туёқлар тақирилаши, сувлар жилдираши, эшик ғичирлашию чинни идишларнинг жарангини маҳорат билан овозлаштирган. Қоронғу ва қўрқинчли ўрмонларни сахнасини тунги

қүш ва хайвонлар овози билан безаб, тоғу-тошлар маконида эса акс садо орқали кимсасиз холатни топган.

Бундай жамоа албатта кучли *режиссёр Дамир Салимов* ғояларига мувофик харакат қилган. Режиссёр ўз навбатда меҳнатдан тұхтамаган. Постановкачи рассом, безакчи рассом, бастакор, аниматорлар, оператор ва монтажчи. Буларнинг барчаси малакали мутахассис. Уларни бошқарувчи ижодкор албатта уларга нисбатан билимли кучли бўлмоғи даркор. Фақатгина тўғри ёндашув, кучли жамоа ва соғлом ижодий мухит натижасида яхши фильм суратга олиш мумкин. Бу вактларда компьютер технологиялари мавжуд бўлмасада, яхши фильмлар суратга олинган. Дамир Салимов ҳам буни уддасидан чиққан.